Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2007 YIL 7 AVGUST, SESHANBA 96 (7245) - son

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.kishlokhayoti.uz

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

"Самарқандкимё" очиқ акциядорлик жамияти томонидан тайёрланган маҳсулотлар нафақат ушбу вилоят, балки Бухоро, Навоий, Хоразм ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси деҳқонларига ҳам етказиб берилади. Ўғитларни сифатли ва чидамли қилиб қадоқлашда қадоқловчи бўлим ишчиларининг меҳнатлари алоҳида аҳамиятга эга.

СУРАТДА: шу бўлим ходими Б.Худоёров иш устида.

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.



Нодия Иброҳим КАФФОФИЙ:

Ўзбекистон — фидойи ва ғайратли инсонлар ватани

Ўзбекистон ва Миср халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларнинг тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Аҳмад ал-Фарғоний каби буюк бобокалонларимиз даврида шаклланган дўстлик ва ҳамкорлик Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг янгича мазмун-моҳият касб этди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбири Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Нодия Иброҳим КАФФОФИЙ хоним билан суҳбатлашди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил апрель ойида Миср Араб Республикасига расмий ташрифидан сўнг икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар қандай ривожланмоқда?

— Жорий йил март ойида Миср Араб Республикасининг халқаро ҳамкорлик вазири Фоиза Абуннажо хоним Ўзбекистонга келди. Ушбу ташриф давомида кўплаб ҳужжатлар имзоланди, икки томонлама муносабатлар билан боғлиқ талай масалалар муҳокама қилинди. Бу катта саммитга ўзига хос тайёргарлик эди. Сўнгра жуда муҳим ва биз анча вақтдан буён кутаётган воқеа рўй берди – Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Мисрга ташриф буюрди. Ташрифнинг дастлабки натижаларидан бири эса 3 июлдан "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг самолётлари Миср ва Ўзбекистон ўртасида қатнай бошлагани бўлди. Илгари транзит парвозлар орқали 24 соатгача чўзилган йўл энди 4 соатда босиб ўтилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Мисрга ташрифи жуда катта халқаро аҳамият касб этди. Ташриф асносида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг деярли барча жабҳаларини ўз ичига олган йигирмадан зиёд ҳужжат имзоланди. Бундан ташқари, ташриф давомида икки мамлакат ишбилармонларининг учрашуви бўлиб ўтди. Улар савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликка оид ўзларини қизиқтирган барча масалаларни ишчан кайфиятда муҳокама қилиб, ўзаро манфаатли келишувларга эришдилар.

— Ўзбекистон ва Миср ишбилармонлари ҳамкорлигининг истиқболлари ҳақида нима дея оласиз?

— Миср Ўзбекистонга сармоя киритишга катта қизиқиш билдираётган ишбилармонлар кўп. Юртингизда мисрлик тадбиркорлар эътиборини тортадиган соҳалар анчагина. Хусусан, тўқимачилик соҳаси бунга ёрқин мисол бўла олади.

Шунингдек, қўнчилик соҳасида Ўзбекистонда аъло сифатли хом ашё бор. Мамлакатингизда маҳаллий хом ашёдан чарм маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналар очиш икки томон учун ҳам фойдали.

Фармацевтика соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш борилмоқда. Мисрнинг бир неча компанияси Ўзбекистон билан бу соҳада яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятида.

— Мисрда эса, ўз навбатида, қуёш энергиясидан фойдаланиш борасида Ўзбекистон тажрибасини ўзлаштиришга қизиқиш катта.

— Сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик ва тажриба алмашув қандай йўлга қўйилган?

— Қоҳира-Тошкент йўналишидаги биринчи парвоздаёқ Мисрнинг етакчи сайёҳлик компаниялари вакилларидан иборат делегация Ўзбекистонга келди. Унинг аъзолари Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида бўлиб, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти билан янада кенгроқ танишди. Сайёҳлик соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, меҳмонхоналар бошқаруви йўналишида тажриба алмашиш каби масалалар муҳокама қилинди. Миср томони ўзбекистонлик соҳа вакилларининг малака оширишини ташкил этиш борасидаги таклифларини билдирди.

Миср ва Ўзбекистон қадимий цивилизациялар бешиги ҳисобланади. Мисрликларда Ўзбекистоннинг Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарларини, жаҳонга машҳур тарихий обиделарини ўз кўзи билан кўриш иштиёқи катта. Миср томони Ўзбекистонда аждодлар меросини тиклаш борасидаги ишларни юксак қадрлайди. Тошкент ва Қоҳира ўртасида ҳаво қатнови йўлга қўйилгани икки томонлама сайёҳлар оқимининг кўпайишига хизмат қилади.

— Элчи хоним, мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқалар ривожи ҳақида нима дея оласиз?

— Маданият ва таълим соҳасидаги алоқаларимиз мамлакатларимиз тарихидай қадимий. Мисрда дунёвий фанларнинг шаклланишида ва ривожланишида халқингизнинг Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фарғоний, Маҳмуд аз-Замахшарий каби буюк ўзбек мутафаккирларининг ҳиссаси беқиёс. Бундан ўн икки аср олдин буюк олим Аҳмад ал-Фарғоний Нил дарёси сувининг сатҳини ўлчайдиган иншоот – микёси Нилни бунёд қилган. Нил водийсида зироатчилик жуда муҳим аҳамият касб этганини ҳисобга олсак, дарё сувидан унумли фойдаланишда бу ускунанинг, демакки буюк ўзбек алломасининг хизмати беқиёсдир. Президент Ислом Каримовнинг Мисрга ташрифи асносида Нил дарёсидаги Рода оролида икки мамлакат халқларининг кўп асрлик илмий-маданий алоқалари тимсоли сифатида ал-Фарғонийнинг ҳайкали очилгани тарихий воқеа бўлди.

Ҳозир Мисрнинг Тошкентдаги элчихонаси ҳузурида фан ва таълим маркази фаолият кўрсатмоқда. Марказда араб тилини ўргатиш кенг йўлга қўйилган. Бундан ташқари, Миср Олий таълим вазирлиги ўзбекистонлик талаба ва тадқиқотчиларни Миср университетларига юбориш учун стипендиялар ажратади. Улар бакалавр, магистр, фан доктори даражаларини эгалламоқда. Марказ турли кўргазмалар ташкил этиш орқали ҳам маданий алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

— Яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига истакларингиз.

— Ўзбекистоннинг ушбу миллий байрамини ўзбекистонликлар билан бирга нишонлаётганимдан жуда бахтиёрман. Шу боис яқинлашиб келаётган байрам муносабати билан Ўзбекистон халқига энг эзгу тилакларимни изҳор этаман. Ўзбекистон - фидойи ва ғайратли инсонлар Ватани. Миср араб дунёсининг маркази бўлганидек, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг юраги ҳисобланади.

ЎзА мухбири Элмурод ЮНУСОВ суҳбатлашди.

Бухоролик беш нафар уста Санта Фе (АҚШ) шаҳрида ўтган ҳунармандларнинг анъанавий халқаро кўргазмасида иштирок этди. Улар тайёрлаган маҳсулот ва буюмлар тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Бухоро ҳунармандлари намойиш этади

— Ўтмишда Бухорода тўқилган гиламлар Шарқ ва Ғарб бозорларида машҳур бўлган, — дейди усталар сулоласи вакили Фатулла Кенжаев. — Уларнинг намуналари ҳозир жаҳоннинг кўплаб музейларида сақланмоқда. Мен миллий ҳунармандчилигимизнинг қадимий анъана ва усулларини тиклаш мақсадида ана шу экспонатларни ўрганяпман. Ўтган йили интернет орқали Бельгия музейларидан бирида вилоятимизнинг Пешку тумани ҳудудидаги қадимий Зандани қишлоғида тўқилган, IX асрга мансуб гилам сақланаётганини аниқладим. Унинг тўқилиши ва нақшларини, ишлатилган бўёқлар таркибини ўргандик. Шогирдларим билан тўққиз ойда Занданича гиламни тўқиб бўлдик.

Фатулла Кенжаев жамоаси тўқиган гилам халқаро кўргазмада ноёб санъат асари сифатида эътироф этилди.

Халқаро кўргазма-савдода Алишер Ҳайдаровнинг Бухоро заргарлик мактаби XVIII-XIX асрларга мансуб усулини тиклаш борасидаги изланишлари ҳам юқори баҳоланди.

(ЎзА)

Ғўза парвариши қандай ташкил этилаётганини кўриш учун Саркисов номли сувдан фойдаланувчилар уюшмасига ташриф буюрган туманнинг бир гуруҳ мутахассислари ва тажрибали фермерлари ўз кузатувларини "Эшниёз бобо" фермер хўжалигидан бошламоқчи бўлишиб, уни суриштирдилар.

Августдаги меҳнат пахтадан юқори ҳосил олиш ғаровди

Даласидан қўлини олади

–Тонг отиб, қуёш чиқай деб қолди, – деди уюшма раиси Тоҳиржон Умрзоқов. – Муртоза бу пайтгача уйида ўтира олмайди. Уни даласидан излаш керак...

Раис тўғри айтган экан. Дарҳақиқат, меҳмонлар фермерни даласидан топишди. Сувчилар – Абдукарим Шеров, Мўминжон Эргашев, Абдурасул Азимов, Мутал Ҳайдаров ва Шуҳратжон Алиев билан ғўза ҳолатини кўздан кечириб, зараркунанда ҳашаротларга қарши қўйилган "ферамон тутқич"ларни алмаштириб юрарди. Пайкал четига келиб тўхтаган меҳмонларни кўриб, уларнинг ёнига чиқди.

–Далада тунаб қолиш одатингизни билмас эканмиз, – деди Дўстлик тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Убайдулла Турдимуродов ҳазил-мутойиба қилганича кўришгани қўл узатиб.

–Даламдан қувват оламан! – деди жиддий оҳангда Муртоза. – Шу боис, ҳар тонг саҳарлаб шу ёққа ошиқаман. Даламга келишим билан куч-қувватим ошиб, томирларимда ғайратим жўшиб, кайфиятим кўтарилиб кетади.

–Бўлмасам-чи? – деди мутахассислар билан бирга келган қўшни фермер Мурод Мамараҳимов. – Ҳар кимнинг ҳам даласи сизникидай кенг, серҳосил бўлса, нафақат қувват олади, балки бошқаларга ҳам қувват тарқатадиган "электр станция" бўлиб кетади.

–Ўҳ-ҳў, Мурод ака айтганларидай, хўжалик сурати ҳам, сийрати ҳам зўр-ку?! – деди гуруҳ бошлиғи Убайдулла Турдимуродов қўлидаги қоғозларга назар ташлаб. – Мана, қаранглар, ғалласининг ўзи 97 гектар экан. Гектаридан 62 центнердан дон олиб, ярмидан кўпини эл хирмонига топширибди. Баракалла, Муртозбой! Қани, ичкарига бошланг, ғўзангиз ҳолатини кўриб, ҳосилни чамалайлик-чи...

–Фермернинг ўзи ва хўжалик аъзоларига 200 тоннача дон қолди, – деди пайкал ичкарисига кира туриб уюшма раиси Тоҳиржон. – Олтита кам таъминланган, иккита боқувчисини йўқотган оилаларга, туман марказида яшовчи уч нафар ёлғиз қарияга жами 11 тонна буғдой берди. Хуллас, бу йилги ғалла ҳосилидан тарқатган капсанлари ҳам жуда кўп кишини хурсанд қилди.

Бу орада пайкал ичида Убайдулла ва унинг ҳамроҳлари 10 туп ғўзани белгилаб, гул ва кўсакларини санай бошлашди. Қўлларидаги дафтарга рақамларни ёзишди-да, ҳар бири ўзларича чамалаш ҳисобини чиқарди. Сўнг "Ҳозирнинг ўзида 36-37 центнер тайёр бўлибди. Августда парваришни қучайтириб, яна 5-6 центнер қўшсанглар, 42-43 центнер бўларкан", дейишувди ҳамки...

–Йўқ, акалар! – деди Муртоза гўё уларнинг айтганлари шу тобда якунловчи натижадай бир оз шошиб. – 42-43 центнерларингиз бизнинг бултур ва бурноғи йилги марралар-ку?! Бу йил, аввало, "50", йўқса "45"дан ками-кам!

–Ниятингиз йўлдошингиз бўлсин! – деди меҳмонлардан бири пайкалдан чиқишаркан. – Мана, чилпишни тўлатўкис бажарибсиз. Ҳатто, ён шохларининг ҳам бирортасини қолдирмай, чилпитибсиз. Шунинг ўзи гектарига 8 центнердан ҳосил қўшади. Сувчиларингиз чилпишдан кейинги обиҳаёт тарашни бошлашибди. Биз пайкал четида 70-80 тоннадан зиёд чириган гўнг кўргандай бўлдик. Ўшани шарбат қилиб бериб юборишса, қўзлаган эллигингиз ҳам бўлади.

Меҳмонлар кетишди. Жўялигина маслаҳат ҳам беришди. У шу хаёллар билан пахтазор уватида ўтириб, бобо қуёшнинг илк нурларига ғарқ бўлаётган кенг даласига узоқ тикилиб қолди.

Дарҳақиқат, боя Мурод фермер айтгандай, даласи кенг, ҳосилдор. Пахтазорининг ўзи 140 гектар. Агар 50 центнердан ҳосил олса, 700 тонна бўлади. Шуни ўйлаб, кўнглидан "Жуда сахий далам бор-да! Ер энг катта хазина. Бу мулкни бизга Истиқлол берди. Бундай бахтни ота-буваларимиз орзу қилишганди. Бизга насиб қилган экан. Беадад шукр..." деган фикрлар ўтди.

Бу ўйлар фермерни янада руҳлантириб юборди. Эзгу ниятлар билан даласи томон юриб кетди.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири

СУРАТДА: Фермер Муртоза Бўтаев.

Жиззах вилояти

Ўзимизнинг ғалламиз, ўзимизнинг донимиз, ўзимизнинг нонимиз...

Бугун бу сўзларни кўксимизни баланд кўтариб, комил ишонч, керак бўлса, нексиз ғурур билан айта оламиз. Ҳолбуки, бир пайтлар...

Энг буюк, азиз неъмат

Бугунги навқирон авлод учун нохуш бир ривоятдек туюлар, аммо бор ҳақиқат шуки, Истиқлолдан аввал ўзбек халқи ғалла, дону нон таъминотидан қарамликка маҳкум эди. Саратов ёки ундан ҳам наридан келиши кутилаётган ун ортган эшелон бир кун кечикиб қолса, шаҳару қишлоқлар аҳли дўконлар ёнига чиқиб олиб, турли тахминлар, миш-мишлару фаразлар қуршовида маҳтал ўтиришар эди. Сабаби, дўконда ун йўқ. Ўтган аср олтмишинчи йилларининг бошида республикамиз қишлоқларида буғдой уни анқога шафе бўлиб, кишилар зоғора, арпа, жўхори нонлар ейишга мажбур бўлганини бугунги кекса авлод яхши эслайди. Ҳолбуки, иқтисодий сиёсат бобида қилинган хатолар учун ўзбек пахтакорининг сираям айби йўқ эди. У кечаю кундуз ҳалол меҳнат қилиб, "стратегик хом ашё" , деб аталувчи бебаҳо маҳсулот – пахтани керакли даражада етказиб берарди. Эвазига юбориладиган ун эса... Хуллас, ҳали иқлим ноқулай келиб, ҳосил бўлмай қолган, ҳали Канададан олинган дон ортилган танкерлар уммондаги тўфон туфайли йўлдан адашган, ҳали йўлга чиққан поезд стрелкачининг айби билан кечиккан, хуллас, бир қаращда қулгили, аммо аслида нақадар ўта муаммоли бир ҳолат эди. Сабр-тоқатли, мард одамларимиз шунга ҳам чидашар, "Ҳар қалай қаҳатчилик йилларидагичалик эмас-ку", дея бир-бирига тасалли беришарди. Ҳолбуки, дон, нон етишмовчилиги хавфи бошинг узра шамшир сингари осилиб турар эди. Гоҳида айтишадики, ҳадеб ўтмишни эслайвериш шартми, деб. "Биз кечмишимизни нечоғли яхши билсак, бугунги қунлар моҳиятини, аҳамиятини шу қадар теран ва шодон идрок этамиз", деган экан улуғ донишмандлардан бири. Ҳеч бўлмаса, бугунги дон, нон мўл-кўллиги сабабчиси нима эканлигини ҳис қилишимиз керак-ку! Янаям аниқроғи, Истиқлолдек энг улуғ ва энг табаррук қадриятни ва у берган неъматлар ичра энг буюк ва энг азиз неъмат – ўз донимиз, ўз нонимиз қадрини ҳар доим, ҳар лаҳза англайлик. Бу бебаҳо саодатга эришиш осон кўчмаганини, умуман ҳеч бир замонда, ҳеч бир давлатда Истиқлолга, озиқ-овқат, айниқса, ғалла мустақиллигига эришиш осон кечмаслигини такрор-такрор тушуниб олайлик.

Истиқлолнинг дастлабки даврларида, ҳали кўп жиҳатдан, шу жумладан, ғалла бобида нисбатан заифроқ бўлиб турганимизда республикамиз Президенти кўрсатган қатъият, дадиллик, журъат-жасорат, тадбиркорлик ва топқирлик ҳеч кимнинг эсидан чиқмаса керак. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини унинг ғалла мустақиллигисиз тасаввур этиш мумкин эмаслигини, бинобарин, нечоғлик қийин, нақадар машаққатли бўлмасин, тарихан тез фурсатларда ана шу улуғ мақсадга эришиш вазифасини олга суриб, бу шунчаки қизиққонлик билан ўртага ташланган шиор эмасди. Бу – ўз тарихий тараққиёт йўлини белгилаётган навқирон давлат, келажаги ёрқин мамлакат ривожининг муқаррар заруратларидан бири сифатида ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган мукаммал дастур эди. Уни ишлаб чиқишда халқимиз, миллий давлатчилигимиз тарихий тажрибаси, иқтисодиёт, аграр соҳа назарияси ҳамда амалиёти ва яна кўплаб жиҳатлар назар-эътиборга олинган, шу билан бир қаторда, катта журъат, азму ирода кўрсатилган эди. Айнан шунинг учун ҳам машаққатли йўл мардона босиб ўтилди. Айнан шунинг учун ҳам 1991 йилда ялпи ғалла ҳосили 900.000 тонна атрофидан ошмаган мамлакатда бугунга келиб 6 миллион 250 минг тонналик дон хирмони бунёд этишга эришилди. Шуниси алоҳида эътиборга сазоворки, ана шу улкан сакрашга экстенсив йўл, яъни экин майдонларини узлуксиз кенгайтириш эвазига эмас, аксинча, интенсив, яъни ҳосилдорликни узлуксиз ошириб бориш, бунинг учун уруғчилик, нав танлаш, парвариш агротехникасини мукаммаллаштириш ҳисобига эришилди.

Очиғини айтадиган бўлсак, амалда Ўзбекистоннинг пахта етиштириш борасидаги реал имкониятлари сақланган ҳолда, тўлаконли ғалла мустақиллигига эришилди. Соддароқ қилиб изоҳласак, мамлакатимиз пахта толаси ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш борасида жаҳон мамлакатлари орасидаги ўрнини йўқотган эмас. Яъни, ўзбек деҳқони уста пахтакор сифатида ўз хирмонлари салобатини камайтирмаган ҳолда яна бир шарафли касбни – ғаллакор касбини улуғламоқда. Мамлакатимизда етиштирилаётган ғалланинг 100 фоизи фермер хўжаликлари меҳнати билан тайёрланмоқда. Ҳосилдорлик қатор вилоятларда ўртача 55-60 центнерни ташкил этмоқда.

Яна ҳам қувончлиси, нав танлаш, уруғчилик бобида олиб борилган ишлар самараси ўлароқ, ғалламиз сифат жиҳатидан дунёдаги етакчи ғаллакор мамлакатлардагидан қолишмаяпти. Четга дон экспорт қилиш салмоғи йил сайин ортмоқда. Бу эса, пировардида, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, дунё майдонидаги нуфузини оширмоқда. Энг қувонарлиси, фермер даласидаги ҳосили салмоғи ҳисобидан нафақат давлатнинг, балки фермернинг, унинг қишлоқдошининг уйи ҳам донга тўлди.

Кўринадики, мамлакатимиз Президенти раҳбарлигида ғалла мустақиллиги учун олиб борилган кураш беиз кетмади. Бу курашда ғалабага эришдик. Ана шу ғалаба ҳосиласи – бугунги тўкинлик, бугуни маъмурчилик аҳамиятини теран тушунишимиз зарур.

... Тасаввур қилинг-а: мамлакатимизнинг энг узоқ, энг чекка қишлоқларидан бирида юзига оппоқ рўмолини чандиган, қўлига енгса ва рапида тутган дуркун, бахтиёр келинчак тандирдан нон узмоқда. Бу нон — ўз даламизда унган олтин бошоқларда етилган қайроқи буғдойимиздан, ўз тегирмонимизда янчилган, укпар унимиздан. Унинг хамирини опажонларимиз қорган, зуваласини оналаримиз пишитган. Тандирига сингилларимиз ўт ёқиб, оқартирган. Шунинг учун ҳам бу нонлар бир нонларки, ҳар бири қуёшдай товланади. Ҳар бирининг тафти қуёшни қуйдиргудай. Ҳар бирининг салмоғи, залвори саватни синдиргудай. Бу – бизнинг Истиқлол берган нонимиз. Унинг файзу баракаси ҳеч қачон аримасин.

Ҳ.НЕЪМАТОВ

“Уйинг донга, қозонинг мойга тўлгач, ишламай бўладими?” дейди Сами фермер

Мажид ота Мақсудов бугун етмиш ёшда. Пиру бадавлат бу отахон Шофиркон туманида яшайди. Бутун умри эл маъмурчилиги йўлида меҳнат қилиш билан ўтган, Қишлоқ хўжалигининг барча соҳаси унга таниш. Пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, ҳатто, боғдорчилигу сабзавотчиликда ҳам бобонинг олдига тушадиган одам кам.

Суяги меҳнатда қотган инсон-да, ҳали ҳам кексалигини тан олгиси келмайди. Ҳозир у ўғли Сами Мақсудов ташкил этган “Сами Темур” фермер хўжалигининг ишларига бош-қош. Отахон фарзандларининг қаршилигига қарамай, дала оралайди. Ўғилларига йўл-йўриқ кўрсатмалар беришдан чарчамайди.

– Бугун меҳнат қилмай бўладими, ахир? – дейди Мажид ота. – Ер ўзимизники, мулк ўзимизники, меҳнатимизнинг даромади ҳам ўзимизники бўлса. Энди яйраб-яйраб ишламаслик уят-да. Ахир биз бир пайтлар маош учун меҳнат қилардик. Шахсий манфаат, мулк ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Мен каби қадоқ қўл деҳқон бугунгидек ўз еримиз бўлишини фақатгина орзу қилардик, холос. Орзуларим фарзандларим ҳаётида ушалаётганидан, бир вақтлар меҳнатим синган ерлар бугун уларнинг мулки эканлигидан хурсанд бўлиб, дала кезаман. Бу мустақиллигимизнинг неъмати. Бундай кунларнинг қадрига етиш керак. Барча имкониятларни яратиб берган Юртбошимизга раҳмат! Бу далаларда меҳнат қилиш ҳар бир киши учун ҳам қарз, ҳам фарз.

“Сами Темур” тумандаги илғор хўжаликлар қаторидан ўрин олган. Фермер хўжалиги ҳар йили пахтачиликда ҳам, ғаллачиликда ҳам белгиланган шартномавий режаларни ортиғи билан бажариб, салмоқли даромадларни қўлга киритмоқда.

– Бугун замон ишлаганники, – дейди ушбу фермер хўжалиги раҳбари Сами Мақсудов. – Ахир уйинг донга, қозонинг мойга тўлгандан кейин ишламай бўладими?! Меҳнат қилган ҳеч қачон кам бўлмаган. Ҳозир осмондан чалпак ёғишини кутиб ўтиришнинг вақти эмас. Ер билан “тиллашсанг”, унга меҳр қўйсанг, экин ҳам мўл, ҳосилнинг ҳам чўғи баланд бўлиши аниқ. Муҳими, юракдан ишлаш керак, ана шунда биринг икки бўлади.

Фермер хўжалигига қарашли 45 гектар экин ерида ҳосилга тўлиб, баравж ривожланаётган ғўза ниҳоли эса Сами Мақсудовнинг юқоридаги сўзларини исботлаб турибди.

“Ҳунарим – бахтим, шогирдларим — саодатим”

Қоракўл туманида Шокир Мирзаевни кўпчилик яхши танийди. Туманда уста ясаган мебеллар кириб бормаган хонадон оз бўлса керак. Болалигидан шу касбга меҳр қўйган Шокир ака 2003 йилда “Голибмебель” савдо ишлаб чиқариш фирмаси фаолиятини йўлга қўйди.

Қисқа фурсатда фирма фаолияти эл назарига тушиб, мижозлар сони кун сайин кўпайиб борди. Бу ютуқлар, албатта, ўз-ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ. Фирманинг ҳар бир аъзоси меҳнатидан манфаатдор. Манфаатдорлик бор жойда эса ижобий ўзгаришлар бўлиши турган гап. Шунинг учун ҳам улар мебелларнинг ҳам сифати, ҳам кўриниши замон талаблари даражасида бўлишига ҳаракат қилмоқда. Бугун фирмада 12 киши меҳнат қилади. 35-40 турдаги мебель ва уй жиҳозлари ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, савдо фирмаси Қоракўл буюм бозорида ўз дўконига ҳам эга.

– Ёшлигимиздан дурадгорлик касбининг сир-асрорларини ўргандим, – дейди Шокир уста. – Лекин у даврларда ҳозиргидай шароит ва имконият йўқ эди. Ишдан бўш вақтларимда бир-икки мижозимнинг буюртмасини қилиб берардим, холос. Ҳозир эса биз ҳунармандлар учун ҳам барча шароитлар яратилган.

Дарҳақиқат, бугун уста қўл остида ҳунар сирларини ўрганган ўнлаб йигитлар мустақил равишда иш юритишмоқда. Уларнинг ҳам хизматидан юртдошларимиз баҳраманд бўлишмоқда. Шокир аканинг кўксини безаб турган “Шуҳрат” медали унинг меҳнатига берилган муносиб баҳодир.

Ҳамроз АЛИ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Бухоро вилояти

Янгиликлар

Умуммиллий дастур - амалда

Андижон шаҳрида Халқ таълими вазирлигининг кенгайтирилган кўчма ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш қатнашчилари ҳомийлар томонидан таъмирланган Асака шаҳридаги 8-мактаб, капитал реконструкция қилинган Андижон туманидаги 23-мактаб, Қорасув шаҳридаги “Болалар спорт мажмуаси”, Кўрғонтепа туманидаги 27-мактаб қошида ташкил этилган “Қалдирғоч” кундузги оромгоҳи ва 2005 йилда Кўрғонтепа туманида янги қурилган 22-мактаб фаолияти билан танишишди.

Андижон вилоятида Умуммиллий дастур асосида 2004-2009 йилларда манзилли дастур асосида 706 та мактабнинг 11 таси янги қурилиши, 124 та мактаб капитал реконструкция қилиниши, 488 та мактаб капитал таъмирланиши ва 83 та мактаб жорий таъмирланиши кўзда тутилган.

Биргина 2007 йилда вилоят бўйича 2 та мактаб қурилди, 26 та мактаб капитал реконструкция, 90 та мактаб капитал ва 13 та мактаб жорий таъмирланди.

Шерзод АҲМАТОВ

Андижон вилояти

Бешболаликлар қувончи

Иштихон туманининг Зарбанд дашти кенгликларида Ётбўрибой, Бешбола, Оқтош, Гўзалкент каби қишлоқлар ҳудудида 2658 нафар аҳоли истиқомат қилади.

Бундан ўн йил бурун Юсуф муаллим тепаликка биринчи бўлиб кўчиб чиқди ва уй қурди. Шундан кейин тепаликда ҳовли қурувчилар кўпайгандан кўпайди. Ана шу қир бағридаги янги ҳовлиларга яқинда насосда ичимлик суви чиқарилди ва электр, газ билан таъминланди.

Дарвоқе, вилоят ҳокимлиги ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан қишлоқ фаолларига, болаларга рангли телевизор, спорт анжомлари совға қилинди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.

Самарқанд вилояти

Машинангизга янги миллий давлат рақами

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан автомобиль транспортида йўловчи ташиш фаолиятини тартибга солиш, транспорт хизмати кўрсатиш сифатини янада оширишга доир изчил ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 27 июнда қабул қилинган “Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Қарор автомототранспорт воситалари миллий давлат рақами белгиларининг халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқлигини таъминлаш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишнинг электрон тизими билан бирга олиб бориш, шунингдек қалбакилаштириш ва улардан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида қабул қилинди.

— Мазкур ҳужжат асосида автомототранспорт ва уларнинг тиркамалари, ярим тиркамалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналари тасдиқланди, — деди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бўлими бошлиғи Анвархўжа Сулаймонхўжаев ЎзА мухбирига. - Ҳужжатга кўра, эндиликда юртимизда фаолият кўрсатаётган идора ва ташкилотлар ҳамда фуқароларимизга тегишли автомототранспорт воситалари давлат рақамларида, аввало, давлатимиз рамзи – Ўзбекистон Республикаси байроғи акс этади.

Юридик шахсларнинг автомобилларига бериладиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони оқ рангда, чети, рақам ва ҳарфлари қора рангда. Чап томонда ҳудуднинг коди, ўнг томонда Ўзбекистон Республикаси байроғи ва UZ ҳарфлари акс эттирилади. Жисмоний шахслар автомобилларига бериладиган янги давлат рақамининг умумий кўриниши ҳам шундай бўлиб, фақат ҳарфлар жойлашувида бир оз фарқ бор. Яъни, юридик шахслар автомобилларида учта рақам ва учта ҳарф кетма-кет жойлаштирилса, жисмоний шахслар автомобилларида битта ҳарф, учта рақам, кейин яна иккита ҳарф ўрин олади.

Тошкент шаҳрининг ҳудудий коди рақами – 01-09, Андижон вилояти 60-69, Қашқадарё вилояти – 70-74, Навоий вилояти – 85-89 ва ҳоказо.

Олий давлат органлари, бошқарув органлари ва вазирликларнинг автомобилларига бериладиган давлат рақамларида аввал давлат байроғи, учта ҳарф ва учта рақам бўлиб, ҳудудий код бўлмайди.

Шунингдек, турли даражадаги халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар автомобиллари учун ҳам янги давлат рақами намуналари ишлаб чиқилди. Уларнинг фони асосан яшил ва сариқ рангда бўлиб, ҳарф ва рақамлар кетма-кет жойлаштирилади.

Умуман айтганда, янги белгиларнинг 25 га яқин тури бўлиб, автомобиллар учун алоҳида, бошқа транспорт воситалари, яъни юк машиналари, автобус, мотоцикл ва тиркамалар учун ҳам алоҳида давлат рақамлари ишлаб чиқилган.

Қарор ва ижро

Таъкидлаш жоизки, қарор асосида мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятига хос янги ҳудудий кодлар ҳам тасдиқланди. Улар ҳозиргидек 10, 30, 14, 22 эмас, балки иккита икки хонали сондан иборат. Масалан, Тошкент шаҳрининг ҳудудий коди рақами – 01-09, Андижон вилояти 60-69, Қашқадарё вилояти – 70-74, Навоий вилояти – 85-89 ва ҳоказо.

Давлат рақами белгиларини тайёрлашда ёруғликни акс эттирувчи қопламалардан фойдаланилади. Чидамли, емирилишга қарши металл қотишмалари қўлланилади. Булар қалбакилаштиришдан ҳимоя қилишнинг юқори даражасини таъминловчи тасдиқланган махсус технологияга мувофиқ амалга оширилади.

Давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш босқичма-босқич амалга оширилади. 2007 йил ва 2008 йилнинг биринчи чораги мобайнида ишлаб чиқарилган йилидан қатъи назар, автомототранспорт воситалари учун, улар эгаларининг ёзма аризаси асосида ихтиёрий равишда, шунингдек, янгидан рўйхатдан ўтказилаётган (қайта рўйхатдан ўтказилаётган) барча автомототранспорт воситалари учун мажбурий тартиб амал қилади.

2008 йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб 2011 йил 1 январгача – янгидан рўйхатдан ўтказилаётган (қайта рўйхатдан ўтказилаётган), шунингдек фойдаланилаётган (ишлатилаётган) барча автомототранспорт воситалари учун мажбурий тартибда жорий этилади.

Эски давлат рақами белгиларини янгисига ихтиёрий равишда алмаштириш тўғрисида 2007 йил мобайнида мурожаат қилган автомототранспорт воситалари эгалари рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим тўлашдан озод қилинади. Яроқсиз ва йўқолган давлат рақами белгиларини ва рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини мажбурий алмаштириш ҳоллари бундан мустасно.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ЎзА мухбири
Норгул АБДУРАИМОВА
ёзиб олди.

Бугунга келиб мамлакатимизнинг чекка-чеккаларида ҳам замонавий мактаблар қад ростлямоқда. Зарафшон шаҳри Абай қўрғонида 490 ўринга мўлжалланган илм даргоҳининг янги ўқув йилида ишга туширилиши бу ерлик ёш авлод учун муносиб совға бўлади.

Айниқса, мактабнинг 150 ўринли спорт зали, кутубхона, тиббий ёрдам кўрсатиш хонаси, лаборатория ишларини олиб бориш учун мўлжалланган физика, кимё хоналарига эгалиги диққатга сазовордир.

СУРАТДА: муҳандис Тўхта Аслонов қурувчилар билан иш сифатини кўздан кечирмоқда.

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Ватан - маҳалладан бошланади

Бу ерда кўп айтишади шу гапни. Элнинг тилига тушиш осон эмас. Кўриб, билиб, мағзига етиб, сўнг айтишади юракларидаги гапларни. Дарвоқе, Жарқўрғон туманида яхши маҳаллалар кўп. Аммо Гулистон маҳалласининг ўрни бўлакча. Аҳиллик, ҳиммат, меҳр-оқибат, ободончиликми — барчасига ҳавасингиз келади.
Хўш, маҳалла ободлигининг омили нимада?

Маҳаллам — ҳимоячим

— Ҳамма гап маҳалланинг фермерлари бир тан-бир жон бўлиб ишлаётганида, — дейди маҳалла оқсоқоли Юсуф Узоқов. — Бир мисол келтирсам, “Кумариқ-Нурафшон” фермер хўжалиги... Бошлиғи Мамарасул Валиев! Палаги тоза одамлардан. Шартномаларни ошириб-тошириб қўяди. Даромади зўр. Ўзи қўли очиқ одам. Баҳорда Наврўз байрамида маблағ ажратди, спорт мусобақаларига қўясиз деб. Бунинг устига “Элимизга ош қилиб беринг”, деб, 50 килограмм гуруч билан катта бир қўй берди. Яқинда маҳалла идораси биносини таъмирлашга ҳам ҳомийлик қилди. Мамарасул бой “Аввало, элга берсин, элга қўшиб менга ҳам берсин худойим”, деган инсонлардан...

Оқсоқол бир зум тин олиб, сўзида давом этди:

— Дарвоқе, яна бир гапни таъкидлашим керак. Валиев Мамарасул, маҳалламиздан 50 кишини автобус билан Бухоро-Хива-Самарқандга саёҳатга юборди. Ўзи ташкил қилди, харажатини кўтарди. Бориб келган кишилар, Ўзбекистонимизнинг мустақиллик даврида қанчалар обод бўлганини кўзлари билан кўриб келишди. Катта зиёрат жойларнинг ободлигини, дунё ҳавас қилса қилгулик улуғ масканларга айлантирилганлигини маҳалламиз гурунгларида ҳалигача айтишади.

Оқсоқол мамнун. Боиси, фермерлар бойиган сари элга, юртга ҳиммату саховатларини ошираяптилар. “Шоймардон” фермер хўжалиги ҳам шу маҳаллада. Раҳбари Бекназар Шоймардонов. Саховату савобдан кўнгли обод инсон. У маҳалладаги Юнус аканинг оиласига бузоқли сигир тақдим қилди. Қийналиб турган оила мадад олди. Фермер ўтган йили ҳам битта оилага қорамол берган эди. Қовун қовунни кўриб ранг олади. Маҳалладаги 5 нафар фермер бешта эҳтиёжманд оилага 1 тадан қорамол беришди. Буларнинг ҳаммаси Президентимизнинг “Фермер бой бўлса, юрт обод бўлади” деб айтган гапларини қайта-қайта тасдиқлаяпти.

Маҳаллада ишбилармонлар кўп. Ҳар нечук манглай тери билан топилган насиба ширин, ризқу-рўз баракали бўлади. Ривот бор-ку, отаси пул топиб келса, ўғли танга пулларни оловга ташлаб ўйнаркан. Бир куни, ўғли кўшни онахоннинг ўн қадам ерини чопиб бериб, 3 танга пул олибди. Отаси у тангаларни оловга отибди. Ўғли бир шиддат билан оловдан тангаларни олибди: “Бу тангаларни ўзим ишлаб топганман, дада”, дебди. Ҳалол пулнинг кучига ҳамма тан беради, ахир. Маҳалла шундан гулистон. Етти пушти меҳнатда пишган одамлар. Маҳаллани айлансангиз кўзингиз тушади: турли дўконлар, улардан нимани изласангиз топасиз, ҳеч ким совун излаб, гуруч қидириб, мой-ёғ оламан, деб шаҳарга бормайди. Ҳаммасини маҳалла дўконларидан харид қилади. Бундан ташқари, 4 та сартарошхона, 1 та пайвандлаш маскани маҳалла хизматида. Туман марказидаги “Алпомиш” қўшма корхонасининг касаначилик ишлари ташкил этилди. Ҳозир 10 та оиладаги хотин-қиз корхона буюртмаларини бажараяпти. Турли иш кийимлари тайёрлашяпти. Бу оилаларга яхшигина даромад келаяпти. Уларнинг иш билан таъминланиб, меҳнат дафтарчаси олганликлари нур устига аъло нур бўлди. Касаначилар хурсанд, Юртбошимиздан миннатдор.

Президентимиз ташаббуслари билан микрокредитлар берилиши айни муддао бўлди. Ботир Эргашевлар оиласи “Пахта Банк”дан 861 минг сўм кредит олди. Оиласи катта, фарзандлар кўп. Кредит кўмагида анча-мунча ишларини йўлга қўйиб олишди. “Зўр бўлаяпти, – дейди Ботир ака. – Бир йил ичида оиланинг даромадини ўнглаб олдик”.

Ботир ака оиласи бир йил илгари моддий жиҳатдан озгина қийналиб турганди. Энди-чи? Бири икки, иккиси тўрт бўлди. Оила қуввати ой сайин ошаяпти. Ўғлини уйлантирди. Излаган топади, интилган етади деганлари бор гап.

“Ижтимоий ҳимоя йили” муносабати билан кам таъминланган оилаларга доимий йўсинда турли йўллар билан ёрдам берилмоқда. Фермерлар қорамол берса, банклар кредит тақдим қилмоқда. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик компаниясининг Жарқўрғондаги бўлинмаси 5 та оиланинг ҳар бирига 50 бошдан товуқ тухфа этгани ҳам салмоқли кўмак бўлди. Ахир товуқ етти хазинанинг бири.

Маҳаллада болалар спортига алоҳида эътибор қаратилган. Яқинда катта ўйингоҳга ер ажратилди. Ҳозирда у тартибга келтирилмоқда. Тезда бу ерда турли спорт ўйинлари, мусобақалари ўтказиш имконияти пайдо бўлади.

Боболардан қолган гап бор: “Элни билай десанг, бозорини кўр, мозорига назар ташла”. “Гулистон” маҳалласи бу борада ҳам ўрнак бўларли.

– Қабристонни обод қилиш ўзбек халқининг қадимий урф-одати, – дейди маҳалла оқсоқоли Юсуф Узоқов. – Йилига 2-3 марта ҳашар ўтказамиз. Маҳалламиз одамлари фаол қатнашади, чунки ҳар бир киши яхши билади, у ерда аждодларимиз ётибди. Қолаверса, қабристоннинг тозалиги, ободлиги тириклар учун ҳамдир. Қабристонга муносиб кишилар маданиятининг даражасини билдиради. Марҳум бобосининг мозорини тозалаб, озода қилиб қўймаган одамнинг уйи ҳам, фикри-хаёли ҳам ивирсиб ётган бўлади.

Қўшни маҳалаларда аҳвол қандай? Улар ҳам ободми? “Гулистон” маҳалласи “Деҳқонобод” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган. Унинг раиси Шерали Сафаровни суҳбатга тортаман.

– Ҳудудингиз катта экан. Ишлар қандай кетаяпти?

– Бир-иккита далилу мисол айтсам, ишларнинг қандайлигини шундан билиб оласиз, – дейди у. – Ҳудудимизда 6 та маҳалла бор. Маданият саройи, 5 та мактаб, 9 та тиббий хизмат шохобчалари, бешта спорт майдони, 5 та боғча ва бошқа маданий-маиший муассасалар мавжуд. Уларнинг барчаси қарийб 16 минг аҳоли хизматида.

Болаларга эътибор кучли эканлигини дарров сезасиз. Ёшлар тарбияси билан ҳамма шуғулланади. Дунёда энг қийини ва энг шарафлиси инсонни тарбиялаш. Ахир, келажак шунга боғлиқ. Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот деган эди Абдулла Авлоний. Зеро, тадбирлар, кўриклар, мусобақалар, барчаси ёшлар учун. “Барчинойчи қизлар” спорт мусобақаси ўтказилди. Сир эмас, қишлоқ шароитида қизларни спортга жалб этиш бирмунча қийин. Лекин саъй-ҳаракатлар наф бераяпти. Қизларда спортга қизиқиш кучаймоқда. Вилоятда қизлар ўртасида миллий кураш мусобақаси ўтказилди. “Деҳқонобод”ликлар биринчи ўринни эгаллади. Жуда катта ютуқ. Маҳаллалар ўртасида ҳам спортнинг бир қанча турлари бўйича беллашувлар ташкил этилди. Шахмат, шашка, югуриш, арқон тортиш бўйича баҳслар роса қизғин бўлди. Чори полвон хотирасига бағишланиб футбол мусобақалари уюштирилди. Ҳар бир ўйин қизғин баҳслар остида ўтди. Яқинда эса Панжи Эшматов хотирасига футбол турнири ташкил этилди.

–Болалар спортида рақобатнинг ўз ўрни бор, – дейди Шерали Сафаров. –Президентимизнинг болалар спортига алоҳида эътибор қаратаётганлиги нур устига аъло нур бўлаяпти. Олдинлари мактаблардагина спорт бор эди. Ҳозир маҳаллаларимизда йил сайин спорт турнирлари, мусобақалари, беллашувлари, хотира турнирлари, байрам шарафига спорт баҳслари сони ўсиб бораяпти. Спортнинг оммавийлиги ошмоқда. Спорт билан шуғулланган киши соғлом бўлишини кўпчилик англаб етмоқда. Илгари спортни қишлоқларда бор-йўғи “физкультура дарси” деб тушунишарди. Эндиликда спорт одамларнинг турмуш тарзига, ҳаёт маромига айланиб бораётир. “Тилло” фермер хўжалигининг бошлиғи Шайдулла Пирназаров спортга ҳурмати баланд, мусобақаларга 150 минг сўм маблағ ажратди. У киши қўяётган мукофотлар болаларнинг руҳини кўтараяпти.

Қишлоқ фуқаролар йиғини фаолларининг таъкидлашларича, спорт билан бирга ёшларнинг соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни чекиш, нос отиш, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва диний-экстремистик оқимлардан асраш борасида доимий тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда участка нозири Мурод Алиевнинг алоҳида ўрни бор. У мактабларда, маҳаллаларда ёшлар билан суҳбатлар олиб боради. Янглиш қўйилган қадам оқибатларини тушунтиради.

Ҳар бир маҳаллада тўлаконли ҳаёт бўй кўрсатмоқда. Буларнинг барчасига кишининг ҳаваси келади.

Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Сурхондарё вилояти

YETTI IQLIMDAN BIR SHINGIL

Графликдаги куйдирги

Бирлашган Қироллик ҳукумати мамлакатда қорамол куйдиргиси касаллиги аниқланган боис карантин ҳолатини эълон қилди.

Суррей графлигининг Гилфорд шаҳридаги бир фермада 60 та қорамол, қўй ва чўчқалар куйдирги вирусига йўлиққани аниқланган. Айни дамда Буюк Британияда бу касалликнинг кенг тарқалиб кетишини олдини олиш борасида ишлар олиб борилмоқда. 2001 йил Британияда авж олиб кетган ушбу касаллик мамлакат иқтисодиётига кўп миллиард долларлик зиён келтирган эди. Ўша йили Британия иқтисодиётининг асосий таянчларидан бири гўшт ва сут маҳсулоти импорти изоляцияга тушиб қолган эди.



Университетдаги қабиҳлик

АҚШнинг Нью-Жерси штатидаги Нью-Арк шаҳрида мудҳиш жиноят содир этилди. Делавэр университети яқинидаги автомобиль сақлаш жойида номаълум кимса 3 нафар талабани отиб ўлдирган. Яна бир талаба қизнинг аҳволи оғир эканлиги айтилмоқда.

Жиноят тафсилоти ва қотилнинг шахси ҳозирча номаълум. Америкада ўқув муассасаларида бундай жиноят биринчи бор содир этилиши эмас. Шу йилнинг 16 апрелида 23 ёшли келиб чиқиши кореялик бўлган талаба Виржиния штатидаги Техника университетининг 32 нафар таҳсил олувчисини отиб ўлдирган ва 30 нафар талабани ярадор қилган эди.

Ироқлик 14 ёшли қизалоқни зўрлаш ва ўлдиришда айбдор, деб топилган америкалик ҳарбий 110 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Кўп йиллик жазо

Оддий аскар Жесси Шпильман бу жиноятда айбланиб, жазога ҳукм этилган учинчи ҳарбийдир. Бундан аввалроқ кичик сержант Жеймс Баркер ва Пол Кортес 90 ва 100 йилга ҳарбий трибунал томонидан озодликдан маҳрум этилган эди.

Текширув натижаларига кўра, бу ҳарбийлар Ироқнинг Маҳмудия шаҳрида яшовчи 14 ёшли қизалоқни дастлаб зўрлашган ва отиб ўлдиришган. Жиноят гувоҳига айланган қизалоқнинг уч нафар оила аъзоси ҳам америкалик аскарлар қўлида ўлим топишган.

Чекинмаётган офат

Жанубий Осиёда юз бераётган табиий офат ортга «чекинмоқчи» эмас. Икки ойдан буён Хиндистон, Бангладеш ва Непалда муссон ёмғирлари оқибатида кузатилаётган сув тошқинлари 1400 дан зиёд одамнинг умрига зомин бўлди. Яна шунча одам бедарак кетган ҳисобланмоқда.

Ушбу ҳудудлардаги 35 миллион аҳоли бошпанасидан ажралиб, ичимлик суви ва озиқ-овқатдан бебаҳра қолган. Уларга зарур ёрдам кўрсатиш бир оз қийин кечмоқда. Ўтган куни Ҳиндистоннинг штатларидан бирида тоза сув учун бошланган жанжал фожиа билан якунланган. Жанжалга чек қўйиш учун полиция оломонга қарши қурол ишлатишга мажбур бўлган. Оқибатда, бир одам қурбон бўлган.

Мутахассислар маълумотича, охирги ўттиз йил ичида Жанубий Осиёда кузатилаётган бундай ноқулай об-ҳаво яна бир ой давом этиши мумкин.

Асирдаги аёл илтижолари

Афғонистонда асир олинган 23 нафар Жанубий Корея фуқароси БМТ Бош котиби Пан Ги Мундан кўмак сўрашмоқда.

Ўтган куни толибончилар гаровдаги бир аёлга расмий Сеул вакиллари билан телефон орқали гаплашишга рухсат беришган. Унинг сўзларига кўра, асирдагиларнинг аксариятининг аҳволи жуда оғир ва кўпчилик турли касалликларга дучор бўлишган. “Жаноб Пан Ги Мун, бизларни озод этиш учун бор имкониятингизни ишга солинг, биз бу аҳволда кўп яшолмаймиз”, деган асирдаги аёл.

19 июлдан буён Толибон жангарилари томонидан гаровда ушлаб келинаётганлардан икки нафари қатл этилган. Қолганларининг озодлиги эвазига жангарилар Афғонистон қамоқхоналаридан шериклари ининг қўйиб юборилишини талаб қилишмоқда. Афғонистон ҳукумати эса жангарилар билан бундай муросага боришни истамаяпти.

Жаҳон матбуоти хабарлари асосида Шермат САНАЕВ тайёрлади.

Меъёр ва меҳр

Булар меҳнат самарадорлигида асосий омил бўлмоқда

Очиқ айтиш керак, бугунги фермер бир пайтлардагидек номигагина далага чиқадиган ишчи эмас, балки илкидаги мулк, етиштирилган ҳар бир килограмм ҳосил учун масъул бўлиш баробарида катта манфаатга эга шахсдир. Буни бугунги натижалар, самарали ютуқлару муваффақиятлардан ҳам барчамиз кўриб, билиб турибмиз. Бундай ривожланиш замирида, албатта, тармоққа дахлдор ташкилот ва муассасалар, хусусан, "Қишлоқхўжаликкимё" ҳиссадорлик жамиятларининг ҳам хизматлари бор.

— Вилоятимизда фермер хўжаликларига сифатли хизмат кўрсатишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқдаки, бу йилдан-йилга ҳосилдорликнинг юқори бўлишига хизмат қилаяпти, — дейди Наманган вилояти "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамияти раиси Сайдусмон Тошбоев. — Ушбу муҳим жараёнда ташкилотимиз ходимлари сидқидил меҳнат қилиб, фермерларга кўмак ва йўл-йўриқ бериб келишмоқда. Бугунги кунда биронта фермер минерал ўғит сўраб идора олдида сарғаймайди. Чигит экиш мавсуми олдидан фосфорли ва

ИЗЛАНИШ

калийли минерал ўғитлар ўз вақтида далаларга етказилади. Бунда жамият ва унинг туман филиалларида 75 та юк автомобили, 93 та трактор доимо шай ҳолатда.

Биламизки, пахтачиликда меъёр ва сифат бирламчи омил. Шу боис, ушбу йил пахта ҳосили учун жамият филиаллари томонидан 20702 тонна азотли, 2540 тонна фосфорли ўғит ўз вақтида фермерлар далаларига етказилиб, қатъий назоратга олинди. Айни пайтда ғўзани озиқлантириш ишлари давом этмоқда.

— Бугунги фермердан фақат ташаббускорлик, омилкорлик, ишчанлик талаб этилади, — дейди вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамияти Чуст туман бўлими бошлиғи Абдуваҳоб Ҳакимов. — Чунки минерал ўғит меъёрида берилса-ю, ерга меҳр берилмаса кўзланган маррага эришиб бўлмайди. Туманимизда ҳозирда 900 га яқин фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, улар тасарруфидаги 10700 гектар ғалла, 9730 гектар пахта майдонларида деҳқончилик қилишади. 1 та марказий омборимиз, 4 та шохобчамиз фермерлар хизматида. Улар учун барча қулайлик яратилган. Қисқа қилиб айтганда, ҳосил чўғи баланд бўлса, бизнинг кўнглимиз ундан-да юксак бўлади.

Бундан ташқари, вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамияти хизматлар сифатини янада яхшилаш мақсадида тугатилаётган ширкат хўжаликларидан қабул қилиб олинаётган минерал ўғит омборлари ўрнида фермер хўжаликларини минерал ўғитлар билан таъминлашни яхшилаш, меҳнат самарадорлигини ошириш, таъминот механизмини қулайлаштириш мақсадида бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

Давур ЖОЗИЛОВ

Наманган вилояти

Суратда: "Қишлоқхўжаликкимё" ҳиссадорлик жамияти Чортоқ тумани бўлими бошлиғи Х.Усмонов (ўртада) фермерлар билан.

Ҳашаротнинг қушандаси... Ҳашарот

Асад ойи ҳосил салмоғини белгилаб беради. Пахта ҳосилининг салмоғи ҳам, чўғи ҳам, сифати ҳам шу кунларда бажариладиган агротехник тадбирлар ҳамда парваришга боғлиқ. Айни пайтда республикамизнинг барча ҳудудида фидокорона меҳнат қилаётган фермер хўжаликларида ҳар туп ғўзадаги кўсаклар сони 7-8 тагача етказилган. Аммо, илғор фермерлар бу билан хотиржамликка берилмасдан ғўза қатор ораларига ишловни, шарбатли суғоришларни омилкорлик билан давом эттириб, ҳосилнинг чўғини баланд, тола сифати юқори бўлишига интилишмоқда.

Шу кунлардаги пахтачиликдаги энг долзарб, асосий масалалардан бири етиштирилаётган ҳосилни зараркунандалар – кўсак қурти, ғўза ширалари ҳамда ўргимчакканадан ўз муддатида ҳимоя қилишдир. Шу мақсадда қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги вилоят ва туман ўсимликларни ҳимоя қилиш ташкилотлари, республикадаги барча биолаборатория, биофабрика хизматчилари барча ташкилий чораларни кўрмоқдалар.

Республика гидрометеорология хизмати марказининг маълумотига қараганда, август ойи давомида республиканинг барча вилоятларида ўртача меъёрий ҳаво ҳарорати кузатилади. Бу эса кўсак қуртининг 3 авлоди ривожланиши ва кенг майдонларда тарқалишига шароит яратиши мумкин.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида август ойининг биринчи ўн кунлигидан кўсак қуртининг 3 авлод капалакларининг учиши, тухум қўйиши ва тухумдан чиққан қуртлар зарар келтириши мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятларининг шимолий туманларида эса кўсак қуртининг оммавий ривожланиши ойнинг иккинчи ярмида кузатилади.

Бундай ҳолат Фарғона водийси, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд вилоятларида эса ойнинг иккинчи-учинчи ўн кунлигида кутилмоқда. Бу йилги об-ҳаво шароитида кўсак қуртининг учинчи ва тўртинчи авлоди ҳар йилгига нисбатан бирмунча кўп миқдорда бўлиши, айниқса кечки пахта майдонларида бу зараркунанданинг зарари сезиларли даражада бўлиши башорат қилинмоқда.

МУТАХАССИС МИНБАРИ

Буни эътиборга олиб, жойларда ўз вақтида кузатув-назорат натижасида ферромон тутқичлар ёрдамида, зараркунанда ривожланаётган ўчоқларини аниқлаш, капалакларини тухумига қарши ўз муддатида трихограммани, қуртларига қарши бракон энтомофагларидан кенг фойдаланиш зарур. Айрим вилоятларда кимёвий кураш чораси қўллаш тавсия этилади.

Июль ойининг ўрталарида бўлиб ўтган ёғингарчилик натижасида Фарғона, Тошкент, Сирдарё вилоятининг айрим туман ва хўжаликларидаги ғўза майдонлари ҳамда четларида ширалар пайдо бўлганлиги мутахассислар томонидан қайд этилди. Барча ғўза майдонларида август ойида катта ғўза шираси ва полиз шираларининг ривожланиши давом этади. Ғўза шохларининг бир-бирига бирлашиши, ғўзани суғориш ҳамда кўчатнинг қалинлиги шираларни ривожланишига сабаб бўлади. Ширалар сунбула салқинида кўп сонда ривожланади. Натижада очилаётган кўсаклардаги пахта толасида қора шира касаллиги пайдо бўлиши мумкин. Бу эса пахта толаси сифатининг кескин пасайишига олиб келади. Ширалларга қарши курашда энг аввало, пахта майдонлари ва унинг атрофидаги бегона ўтларни, айниқса, итузум ўтини йўқотиш зарур. Курашни тўғри ташкил этиш учун кузатув-назорат ишларини тўғри ташкил этиш, ўз муддатида биологик кураш усули тариқасида олтинкўз фойдали ҳашаротини қўллаш тавсия этилади.

С.АЛИМУҲАМЕДОВ,
академик.
М.БОБОХОНОВА,
Ўзбекистон Ўсимликларни ҳимоя қилиш институти лаборатория мудири, биология фанлари номзоди.

ЖАРАЁН

Янги иш ўринлари

"Асл Анвар" агрофирмасини Шофирконда кўпчилик яхши билади. Кўп тармоқли бу агрофирма яқинда ўз фаолияти доирасини яна кенгайтирди.

Бу ерда полиэтилен ишлаб чиқариш миницехи иш бошлади. Россия технологияси билан жиҳозланган цех бир кунда 1200 килограммгача маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

— Тўла қувват билан ишлаш учун хом ашё етарли бўлиши керак, - дейди агрофирма раҳбари Аъзам Ашуров. — "Пахта банк"нинг Шофиркон туман бўлимига 10 миллион сўм кредит олиш учун зарур ҳужжатларни тақдим этганмиз. Агар кредит масаласи ҳал бўлса, "Шўртангаз" корхонасидан етарли миқдорда гранула, яъни хом ашё сотиб олиш имкониятига эга бўламиз. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотимиз — полиэтиленга эҳтиёж жуда катта. Ҳозир цехда 6 киши меҳнат қилади. Хом ашё етарли бўлса, ишни 2 сменада ташкил қилиш мумкин. Шунда ишчилар сони ҳам, маҳсулот салмоғи ҳам икки мартага кўпаяди.

Бундан ташқари, агрофирма қошида тикувчилик цехи ҳам фаолият кўрсатмоқда. 13 киши меҳнат қилаётган бу цехда асосан кўрпа-тўшак ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳамроз АЛИ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Бухоро вилояти.

Тадбиркорга омад ёр

Кейинги йилларда Хатирчи туманида иш бошлаётган кичик ва ўрта бизнес субъектлари орасида маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш эвазига қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари ҳам тобора ривож топмоқда.

Бундан бир неча йил илгари иш бошлаган "Зарланиндустрия" масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг эндиликда Россия ва қозоғистонлик мижозлар томонидан сотиб олинаётгани фикримизга мисолдир. Тадбиркор Истамжон Ғаффоров эса бозор талабларини ҳисобга олган ҳолда пишиқ ғишт тайёрлайдиган кичик завод очишга қарор қилди. "Хатирчи" бизнес-инкубатори томонидан мазкур кичик завод учун тайёрланган бизнес-лойиҳа тадбиркорга жуда маъқул келди. "Пахта Банк"нинг Янгиработ бўлими кредит ажратадиган бўлди. Шериклар томонидан ускуналар ҳам келтирилди. Ушбу завод иш бошласа, бир йилда 20 миллион дона сифатли пишиқ ғишт тайёрлаш мумкин бўлади. Асосийси, ўнлаб қишлоқ ёшлари иш билан таъминланишади.

Баҳриддин САДРИДДИНОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Навоий вилояти

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш

жамоат фонди

Мамлакатимизда ёш истеъдод эгаларини кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан анъанавий ўтказиб келинаётган "Келажак овози" республика кўрик-танловини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, унинг иштирокчилари ва ғолиблари ютуқларини оммалаштириш мақсадида ахборот агентликлари, босма оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғи журналистлари ўртасида эълон қилган танлов давом этади.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

Танловга "Келажак овози" танлови жараёнлари, иштирокчилари ва ғолиблари фаолияти, эришган ютуқларини ёритувчи ва 2007 йилнинг 1 мартидан 2008 йилнинг 1 январигача бўлган муддат давомида газета ва журналларда, интернет нашрларда берилган материаллар 2008 йилнинг 10 январига қадар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар сони 6 тадан кам бўлмаслиги ва даврий нашрларнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхада топширилиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилида тайёрланган бўлиши керак.

Ишга босма нашр тўғрисида маълумотлар – нашр номи, ихтисослашуви, адади, тарқатилиш ҳудуди, манзили.

Муаллиф тўғрисида – фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид маълумотлар илова қилинади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

ТАНЛОВ НОМИНАЦИЯЛАРИ

Танлов икки номинация бўйича ўтказилади:
- "Келажак овози" республика кўрик-танловини ёритиш бўйича матбуотда чоп этилган энг яхши материаллар тўплами;
- "Келажак овози" республика кўрик-танловини ёритиш бўйича интернетда берилган энг яхши материаллар тўплами.

Ғолиблар ҳар икки номинация бўйича қуйидаги тартибда мукофотланади:
- битта 1-ўрин
- иккита 2-ўрин
- учта 3-ўрин

Ғолиблар диплом ва қимматли совғалар билан тақдирланадилар.

Материаллар "Келажак овози" республика кўрик-танловини ёритишга" деган қайд билан танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри, 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 144-12-51, 144-15-96, www.mmf.uz; e-mail: mmf@uzpak.uz

Ташкилий қўмита

ЧФ "IGAMA-AYU" М.Улуғбекского района г.Ташкента сообщает о преобразование в ООО "IGAMA-AYU".
Тел.: 223-58-51.

Иш билган тошда гул ундиради

ёки лайлак уяликларга хавотирга ўрин қолмади

Ширкат хўжалиги тугатилиб, унинг негизида фермерлар уюшмаси ташкил этилаётганида очиғи Лайлак уя деб ном олган қишлоқ аҳли «Энди бу ёғи қандоқ бўларкин», дея анча саросимага тушгани бор гап. Чунки, ҳудуднинг аксарият майдонлари дашт ва лалми жойлардан иборатлиги учун шундоқ ҳам ширкат даврида зўрға "нафас" оларди. Қолаверса, агросаноат мажмуида мулкдорлик ҳаракатининг бошланганига ҳали кўп вақт бўлмаган ва лалмикор далалардан фермернинг эришаётган натижалари бўйича тажрибалар ҳам ярқ этиб кўзга ташланганича йўқ эди.

Қисқаси, аъзоларни тўплаб, "Фермерлар тўғрисида"ги Қонундан келиб чиқилиб, аҳвол таҳлил этилганидан сўнг мавжуд ишчи ўринларини тўлиқ сақлаб қолган ҳолда экин майдонлари 47 та фермерга бўлиб берилди. Лалмикор ерларда фермерлик ҳаракати ҳали унча синовдан ўтмагани боис, дастлабки кезларда ишнинг бошланиши анча қийин кечди: ҳали ўғит етишмаслиги муаммоси, гоҳ техника масаласи... бир томони ташландиқ ҳолдаги тошлоқ ерларни маданийлаштириш ва обитобига келтириш ишлари мулкдорларни анчагина ошириб қўйди. Шунга қарамай, Зоминлик деҳқонларнинг астойдил қилган меҳнатлари туфайли илк натижалар ёмон бўлмади. Пахтанинг лалмикор ерларга ихтисослаштирилган ва иссиққа чидамли навларини етиштиришга эътибор қаратилди. Туман ҳокимлиги ва фермерлар уюшмаси мутахассислари зарур маслаҳатларини бериб туришди. Эндиликда бу жойларда етиштирилаётган хом ашё ҳам тош босиши, ҳам сифатлилиги жиҳатдан сувли майдонлардагидан кам эмас. Аксинча, толасининг мустаҳкамлиги, чидамлилиги билан алоҳида ажралиб туради.

"Шодиёр", "Элёржон", "Севара", "Охунжон" каби ўнлаб мулкдорлар нафақат лалмида, ҳатто, қўйиб берса тош устида ҳам гул ундиришнинг ҳадисини олишган. Даромади эса қилаётган меҳнатига лойиқ – сарҳисобда бир сўмига қўшимча 2-3 сўмдан фойда кўришаяпти. Бир қисми моддий базани мустаҳкамлашга ва янги техникалар сотиб олишга сарфланаётган бўлса, ҳудудда ижтимоий масалаларни рўёбга чиқаришда, айниқса, ана шу фермерлар қўшаётган ҳисса муҳим ўрин тутаяпти.

Масалан, хўжалик даврида бундан ўттиз йил аввал бор-йўғи битта клуб қурилганди, холос. Ишловчилар меҳнатдан сўнг маданий дам олиш учун қаерга боришини билмасди. Ҳудудда мулкдор ва тадбиркорлар кўпайгач, нафақат ишлаб чиқаришга барака кирди, балки ижтимоий соҳаларда янги-янги иншоотлар қурилиб, аҳолига қулай шароитлар яратилмоқда. Кутубхона, замонавий тиббиёт маскани, дала шийпонлари каби ишловчилар учун қулайликлар шулар жумласидан. Ҳолбуки, бу ишларни уддалаш учун илгариги даврларда ҳам имконият ва маблағ етарли эди. Аммо меҳнат аҳлининг йиллар давомида пешона тери ҳисобига орттирган даромадига бошқалар эгалик қиларди. Шу сабабли кутубхона истироҳат боғини қўйиб турайлик, ҳатто, битта оддий шийпон қуриб олиш учун ҳам кимларнингдир рухсатини олиш ва бир неча идоралар эшигига соатлаб муте бўлиб туришга тўғри келарди.

–Мустақиллик нафақат эркин ишлашга эрк берди, балки ўзлигимизни англаб, ўз-ўзини бошқаришга ҳам шароит яратди, – дейди Лайлак уя қишлоғида ташкил этилган фермерларга хизмат кўрсатувчи машина-трактор парки раиси Туробжон Раҳмонқулов. – Тўғри, қилинаётган ишлар эҳтимол, дарёдан томчи каби бўлиши мумкин. Бироқ келажагимиз фаровонлигига мустаҳкам таъмал тоши қўйилгани бор ҳақиқат. Мулкдорларимиз ҳам ана шунга умид қилиб бугундан кўра эртага яхшироқ яшашга интилиб, саъй-ҳаракатлар қилишмоқда.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Жиззах вилояти

"Йиловларда баҳтим менинг"

дейди фахр билан қизилқумлик чорвадор Довурхон Дусенов

Чўпон таёғи ерда қолмайди

Маълумки, чорвачилик равнақини мустаҳкам озуқа базасисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Яқинда Қизилқум йиловларини кезиб юриб, Айдаркўл соҳилларида Довурхон оға деган тажрибали чорвадор билан учрашдик. Унинг ажойиб суҳбати ҳамон қулоғим остидан кетганича йўқ.

— Чўпон таёғини отам Юсуф бобо Дусеновдан олганимда жудаям ёш эдим, — дейди Конимех туманидаги Абай номли наслчилик ширкат хўжалиги бош чўпони Довурхон Дусенов. — Бу касб осон эмас. Йиловнинг ўзига яраша ташвиши, нозик томонлари, меҳнат машаққатлари кўп. Уларни билмаган, синчиклаб ўрганмаган чўпон ҳеч маҳал барака тополмайди. Чўпонликка жазм қилиб, қўлига таёқ олган одам аввало йиловни ўрганиши шарт. Четдан келган одамга йилов бепоён чўл бўлиб кўринади. Аслида ундай эмас, унинг ҳар бир қаричи ҳисобли. Ориятли чўпон сурув туёғини ҳеч маҳал қўшнининг йиловига тегизмайди. Таомил шундай.

Ҳозирги пайтда Довурхон Дусенов ширкатнинг Қиличқазғон йиловларида қўй боқади. Унинг ихтиёрида 647 бош қўй бор. Баҳорда 545 бош қўзини ўстиришга қолдирди. 2006 йили эса ўзига 80 бош қўзини натура ҳолда олганди.

— Эринган эт емайди, ука. Дастурхонимда ул-бул бўлсин деган чорванинг туёғидай қаттиқ, чўлнинг шамолидай учқур бўлиши керак, — дейди Шовурхон ака хайрлашаётганимизда.

Жамоада унинг издошлари сероб. Рустам Ирисов, Жаслиқ Тошинбоев, Равшан Ирисов, Аълан Боймуродов ана шундайлардан. Мустафо Эгамқулов раҳбарлик қилаётган Абай номли ширкатда айни паллада 81116 бош қўй-қўзи, 240 бош туя, 372 бош йилқи боқилмоқда. Кўкламда 39 минг бош она совлиқ қўзилади. Шунинг 32 минг боши ўстиришга қолдирилди. Ширкат хўжалиги бош ветеринария шифокори Пўлат оға Дусенов ҳамроҳлигида яқинда қурилиб фойдаланишга топширилган зооветеринария кичик корхонасини бориб кўрдик. У ерда аҳоли қўлидаги қорамолларга сифатли ва кафолатли хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар яратилган: замонавий усулда қурилган бино, у ердаги асбоб-ускуналар катта шаҳарлардагидан асло қолишмайди. Бундан ташқари, Президентимизнинг 308-қарори бўйича 2006 йилда кам таъминланган оилаларга 27 бош қорамол берилди.

Ёруғ юз билан

Навоий вилояти "Қоракўл" ишлаб чиқариш акциядорлик бирлашмасига қарашли хўжаликлар орасида пешқадам ҳисобланган Конимех туманидаги "Сарибел" наслчилик ширкат хўжалиги жамоаси Истиқлол байрамининг 16 йиллигини ёруғ юз билан кутиб олмоқда.

Ширкатда бугунги кунда 88536 бош қўй-қўзи, 162 бош йилқи, 186 бош туя 154 минг гектарлик яйловларда боқилмоқда. Янгиқозғон, Дўнгалак, Пахтакор, Пики фермаларида 260 нафар чўпон-чўлиқ уззукун сурув ортидан чўлу-биёбон кезишади.

— Хўжалигимизда эл-юрт маъмурчилигига муносиб улуш қўшиб келаётган миллионер чўпонлар сони йил сайин ошиб бораяпти, — дейди Кохимех туманидаги "Сарибел" наслчилик хўжалиги раиси Ўрмонбой Кукенов. — Масалан, ўтган мавсумда яхши натижаларга эришган "Дўстлик" ордени нишондори Мирзабой Ирисбеков, Сериккбой Кўкенов сингари тажрибали бош чўпонлар Қизилқумда ўзига хос тажриба мактаби яратганлар. 2006

ҚОРАКЎЛЧИЛИК

йили чўпон-чўлиқларга 4 минг 147 бош қўзи натура ҳолда берилганлиги қоракўлчililарни рағбатлантирди..

Ширкат хўжалиги ташкил этилганига яқинда эллик йил тўлади. Шу муносабат билан бу ерда ушбу қутлуғ тўйга тайёргарлик кўрилаётир. Яқинда бу ерда музей ишга туширилади. Музей жамоа ҳаётини акс эттирадиган экспонатлар билан тўлиқ жиҳозланди.

Ширкатда фаолият кўрсатаётган Конимех туман маданият уйи "Сарибел сози" ашула ва рақс ансамблига "Халқ ашула ва рақс ансамбли" унвони берилди. Бу жамоа аъзоларидан келажакда кўп изланишни талаб этади.

Айдар бўйларида

"Қизилча" наслчилик хўжалиги яйловларининг бир учи Айдар соҳилларига туташса, яна бир томони форишлик чўпонларнинг манзилларига бориб уланади.

Бош чўпон Отабек Жабборов 2-бўлимнинг Болта шовдир деб номланган манзилида қўй боқади. Бу ерлар Айдаркўлга туташ.

— Совлиқлар ҳомиласи уч ойлик бўлгач, сурувни ўн кун шувоқзорда боқамиз, терининг сифати яхши, гули қаттиқ бўлади деб. Ота-боболар иложсиз изғиринли кунлар учун озроқ янтоқ ғамлаб қўядилар, холос. Кўпинча қўйни оёғи, чўпонни таёғи боқади деб кетаверардилар. Э, нимасини айтасиз, асл чўпон шундай бўлади, — дея гурунг беради бош чўпон. — Бобомдан эшитган эдим. Уруш йиллари ҳозиргидек техника бўлмаганлиги туфайли саксовул уруғини катта майдонларга омоч билан экишнинг иложи бўлмагач, ер нам пайти қўл билан уруғ сепилиб, изидан қўй сурувини ҳайдашар экан. Қўйлар ўз ризқлари уруғларини туёқлари билан тупроққа аралаштиргач, янги-янги саксовул майдонлари пайдо бўлар экан.

Ўша куни Отабек чўпон билан то тушга қадар бирга юрдиқ. У ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёси тўғрисидаги қизиқ-қизиқ ҳикояларни сўзлаб берди. У кишининг ишларига омад тилаб, ортга қайтдик.

Тоир Адилов раҳбарлик қилаётган Нурота туманидаги "Қизилча" ширкат хўжалиги асосан наслчиликка ихтисослаштирилган. Бу ерда қоракўл қўйлар парвариш қилинади. 2007 йили 2173 дона сифатли қоракўл тери олинибди. Ушбу маҳсулотлар "Ўзбек қоракўл" компанияси тизимига қарашли "Осиё мўйнаси" корхонасига валюта ҳисобида сотилди.

— Қизилчаликлари узоқ йиллардан бери ичимлик сув муаммоси қийнаб келар эди, яқинда у ўз ечимини топди. Мавжуд сув қувурлари қайтадан таъмирланди. Натижада, янги Қорасон сув линияси ишга туширилди. Бундан ташқари, яна учта жойдан обиҳаёт кела бошлади, — дейди ширкат раиси Тоир Адилов. — Натижада, қўйчилик билан бирга ўрдакчилик соҳасини ҳам ривожлантиришни режалаштирганмиз. Ҳозир 50 бош ўрдак олиб келдик. Улар меҳр билан парвариш қилинаётир.

Насл сифати яхшиланади

Асрор Ашуров раҳбарлик қилаётган Нурота туманидаги Ф.Хўжаев номли ширкат хўжалиги чорвадорлари узоқ йиллардан бери Самарқанддаги Ўзбекистон Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти олимлари билан ҳамкорлик қилиб келишади. Бунинг самараси сифатида ширкатда қўй-эчкилар бош сони ошиб, унинг насли тобора яхшиланиб бормоқда.

Мазкур институт илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Қўйлибой Очиловни шу ерда учратдик.

— 2003 йили Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги "Қизилқум" наслчилик хўжалигидан 100 бош зотли она қўй ҳамда 35 бош кўчқорлар келтирилганди. Улар бош чўпон Тоир Хўжақуловнинг отарида махсус парваришлана бошлади, — дейди Қўйлибой Очилов. — Натижада бугунги кунга келиб қўйлар бош сони 1000 бошга етай деб қолди. Мақсад — бу турдаги зотли қўйларни кўпайтириш.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Хорақ ва сиҳат маскани

Қашқадарё дарёси қирғоғида бир сўлим маскан бор. Дов-дарахтлар билан ўралган бу гўша "Қашқадарё соҳили" сиҳатгоҳи бўлиб, унинг ҳавоси, хушманзара табиати барчани ўзига мафтун этади.

– Сиҳатгоҳимиз денгиз сатҳидан 600 метр баландликда жойлашган, – дея гап бошлади бош ҳаким, тиббиёт фанлари номзоди Акром Акбаров. – Ўтган йиллар мобайнида касаба уюшмалари Президентимизнинг соғлом турмуш тарзини қарор топтириш соҳасида белгилаб берган вазифалари моҳиятини чуқур англаган ҳолда санаторий, курорт ва шифо масканларини ривожлантириш, уларни қайта қуриш, жиҳозлаш бўйича катта кўламдаги ишларни амалга оширди. Сиҳатгоҳда барча қулайликларга эга ошхона, "Маънавият ва маърифат" маркази бинолари, муолажалар олиш учун замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган "Даволаш ва ташҳис маркази" фойдаланишга топширилди. Шунингдек, ўтган йилда уч қаватли ётоқхона биноси тўлиқ таъмирланиб, 70 ўринли ҳамма қулайликларга эга, шинам хоналар барпо қилинди.

– Ёшим 86 да. Ўзим шаҳрисабзданман, – дейди Мусо ота Эшонқулов. – Республикамизнинг бошқа сиҳатгоҳларида ҳам бўлганман. Лекин, бу жойнинг ўз файзи-таровати бор. Хоналар тоза-озода. Шифокорлар ҳам хушмуомалали, ажойиб инсонлар. Барака топишсин.

"Қамаши пахта тозалаш" очиқ ҳиссадорлик жамияти ишчиси Алижон Бўтаев ҳам ўз ҳаяжонини яшира олмайди.

– Белим оғрир эди, муолажа олиб худди ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетдим. Бундай дам олиш бўлса, ишда унум бўлади-да. Яхши дам меҳнатга ҳамдам, деб шуни айтсалар керак, – дея изоҳ берди.

Тиббиёт

Дарвоқе, ўтган ойлар ичида бу ерда 1,5 минг нафарга яқин даволанувчи келиб, ўз соғлиғини тиклаб қайтди. Улар орасида Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасидан келган кишилар бор.

"Қашқадарё соҳили" сиҳатгоҳининг шифобахш маъданли сувини ўзбек замининнинг мўъжизавий саховати, мурувватидеб аташ жоиздир. Сиҳатгоҳ ҳудудида 2002-2006 йилларда республика геология қўмитасига қарашли "Геоминсув" экспедицияси томонидан пармалаш ишлари олиб борилганда 1100-1400 метрдан маъданли шифобахш ичимлик суви чиқди. Таркибида радон гази бўлган бу обиҳаёт Грузиянинг "Цҳалтубо", Тожикистоннинг "Обигарм", Самарқанднинг "Абу Али ибн Сино" сувларига тенглашиб, асосан организмда модда алмашинувига фаол таъсир этади. Шунингдек, бу ерда юрак, қон-томир, овқат ҳазм қилиш, ҳаракат таянч аъзолари, асаб тизими, эркаклар ва аёллар жинсий хасталикларини даволашда мусаффо ҳаво, қуёш ванналари, шифобахш маъданли ванналар, душлар, бассейн, сауна, парафин ва балчиқ билан даволаш, жисмоний тарбия, игналазеротерапия, дуоденал зондлаш ва ичакларни ювиш, пархез овқатланиш каби усуллардан фойдаланилади. Булардан ташқари, нафас олиш органлари, нефрологик, андрологик ва эндокринологик касалликлар билан келган даволанувчилар ҳам ўз соғлиқларини тиклашади.

– Сиҳатгоҳда 30 нафар олий ва ўрта махсус тиббиёт ходими хизмат қилади, – дея суҳбатга қўшилди бош шифокор ўринбосари Икром Раҳимов. – «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури ижроси ҳам доимий эътиборимизда. – Ўтган йиллар ичида кам таъминланган, кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Ишчи-хизматчи, нафақахўрлар бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Қарши шаҳридаги "Равоқ", "Карликобод" маҳалласидаги ёрдамга муҳтож 10 та хонадонга мурувват кўрсатдик.

Сиҳатгоҳ жамоаси даволанувчиларга беминнат хизмат кўрсатиш билан бирга яхшилик, саховат, савоб ишлардан ҳам четда қолмасликни дилга жо қилишган. Зеро, меҳр-мурувватли юрт доимо обод, халқи эса фаровон бўлган.

Ҳусан ТЕМИРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Суратларда: ҳамшира Дилноза Хакимова; бош шифокор ўринбосари Икром Раҳимов, бўлим бошлиғи Раъно Аралова, кардиолог Бегали Номозов беморни текширувдан ўтказишмоқда.

Мурод КОМИЛОВ олган суратлар.

Қашқадарё вилояти

"Ёқимли иштаҳа"

ёки чойхона ҳангомаларидан

Хабарлар

Улуғ байрамга совғалар

Республикамиз Мустақиллигининг 16 йиллиги байрами тобора яқинлашмоқда. Улуғ айёмга совға тайёрлаш халқимиз анъанасига айланган. Олтинсой туманида ҳам байрам муносиб туҳфалар билан қаршиланмоқда.

Туманда бу йил ўнлаб мактабларда таъмирлаш ишлари йўлга қўйилган. "Олтинсой" масъулияти чекланган жамият қурувчилари тендерда 2 та мактабни капитал реконструкция ва 2 та мактабни капитал таъмирлаш лойиҳаларини ютиб олган эди. Яқинда 7- ва 16-мактабларни капитал таъмирлаш ниҳоясига етди. Капитал реконструкция қилинаётган 11- ва 19-мактаблар ҳам тез кунда ёшлар ихтиёрига топширилади.

Шунингдек, Шўрчи туманидаги 19-мактабни капитал таъмирлаш ҳам охирига етай деб қолди. У ҳам улуғ байрамга қадар фойдаланишга топширилади.

"Мардлар қўриқлайди Ватанни"

Сурхондарё вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирида вилоят "Маънавият ва маърифат маркази", "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ва Термиз шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида шу ном остида тадбир ўтказилди.

Тадбирда ҳарбий қисм зобит ва аскарлари фаол қатнашишди. Мустақиллигимиз моҳияти, 16 йил даврида мамлакатимиз эришган муваффақиятлар, мудофаа соҳасидаги ислоҳотлар, истиқболдаги режалар ҳақида сўзга чиққанлар фахр билан гапиришди. Тадбирда Ватан мустақиллигини мадҳ этувчи шеърлар, композициялар, куй ва қўшиқлар янгради. Байрам шарафига уюштирилган "Мардлар қўриқлайди Ватанни" кечаси ғоятда қизиқарли ва таъсирчан ўтди.

М.ОЛЛОМУРОДОВ.

Сурхондарё вилояти

Гузардаги чойхонада қирқ йиллик улфатлар тўпланиб, ошхўрлик қилишарди. Дастурхонга келтирилган паловхонтўранинг хушбўй ҳиди иштаҳани бесаранжом қила бошлаган чоғда қўшни маҳалла турадиган уч улфат чойхонага кириб келишди.

"Қайнонаси суядиган" меҳмонлар дарҳол дастурхонга таклиф қилинган бўлсада, уларнинг ташрифи ошхўрларга унчалик хуш келмагани кўриниб турарди. Шу боис, ҳамма бир-бири билан кўз уриштириб олишгач, юзаки мулозаматлар бошланди.

– Қани, меҳмонлар, ошга қарангларчи!

– Зап кепсизлар-да, а?

– Ўзи боягина сизларни эслаб ўтирувдик, қаранглар-а, Хизрни йўқласак бўларкан...

Кутилмаганда меҳмонлардан бири Абдулла мўйлов мезбонларга сездирмай кўз қисди-да, енгил томоқ қирди:

– Бай-бай, ўзиям ошмисан ош бўпти-да, қўй гўштиданми дейман, а? Гўштни бизга айтмабсизлар-да, харажатини ўзимиз кўтарардик. Айтганча, кимдан олдинглар ўзи?

– Тўлан қассобдан, – тўнғиллади даврабош ошга ютиниб қараркан.

– А, Тўлан тўнкаданми? – қошлари чимирилди Абдулла мўйловнинг. – Ҳайҳай, кеча кўрувдим уни, қўшнисининг битта қўйи ҳаром қотган экан, кейин қассобга илтимос қипти. "Камбағал одамман, ўзи бисотимда шу биттаю битта қўй бор эди. Гуноҳи мани бўйнимда, бир илож қилиб шуни..."

У гапини тугатишга улгурмади. Ошхўрларнинг ичини тимдалаётган иштаҳа исёни бир оғиз гап билан шафқатсизларча бостирилган эди. Баъзилар ҳали овқатга қўл урмаган бўлсалар-да, сочиққа узандилар. Ўзича фотиҳа ўқиб, ўрнидан туриб кетганлар ҳам бўлди. Даврабоши ғудрана-ғудрана чой қайтара бошлади. Хуллас, боягина ҳамманинг кўзини ўйнатиб турган паловхонтўра энди ўз "ишқибозлари" эътиборидан четлашиб қолганди.

Абдулла мўйлов даврада қолганларга бирма-бир айёрона кўз югуртириб чиққач, яна бирров енгил қўл урмаган бўлсалар-да, сочиқ узандилар. Ўзича фотиҳа ўқиб, ўрнидан туриб кетганлар ҳам бўлди. Даврабоши ғудрана-ғудрана чой қайтара бошлади. Хуллас, боягина ҳамманинг кўзини ўйнатиб турган паловхонтўра энди ўз "ишқибозлари" эътиборидан четлашиб қолганди.

Абдулла мўйлов даврада қолганларга бирма-бир айёрона кўз югуртириб чиқ-қач, яна бирров енгил ман" дегандек, ёғли қўли билан ишора қилди. Навбатдаги ошам аввалгидан каттароқ бўлгани учунми, жиғилдондан ошқозон томон ҳаракатланиши анча қийин кечди. Оғзини бекитганча яхшилаб кекириб олгач, Абдусамадга қараб безрайди:

– Ҳа, яхши эсимга солдингиз. Қўшниси Мамат писмиқ-чи, ўша-да, Тўланнинг олдига келиб илтимос қипти: "Тўлан ака, гуноҳи ўзимнинг бўйнимда, шу қўйни бир

(Ҳажвия)

налду ва Патрис Эвра чиройли комбинация уюштириб, тўпни қулай вазиятда турган Райан Гиггзга узатишади. "МЮ" сардори қийинчиликсиз Петр Чех дарвозасини ишғол қилади. Жавоб голи "Челси"нинг янги аъзоси Флоран Малуда томонидан 45-дақиқада урилди.

Суперкубок қоидасига кўра, асосий вақтда дуранг қайд этилса, қўшимча вақт белгиланмайди. Пенальтилар сериясида "МЮ" дарвозабони қаҳрамонга айланди. Эдвин Ван дер Сар "Челси" аъзолари Клаудио Писарро, Фрэнк Лэмпард ва Шон Райт-Филипс зарбаларини қайтариб, жамоасининг ғалабасига муносиб ҳисса қўшди.

СПОРТ

Футбол

5 август куни футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати Олий лига жамоаларининг иккинчи давра ўйинлари старт олди. Дастлаб майдонда "Шўртан" ва "Қизилқум-Олтин " жамоалари куч синашдилар.

Иккинчи давра йўлга тушди

Ғузорда кечган беллашувда "Қизилқум-Олтин" аъзоси Анвар Бердиев 8-дақиқада ҳисобни очган бўлса, 36-дақиқада ғузорликлар ҳужумчиси Артур Геворкян ўйиндаги тенглаштирувчи гол муаллифи бўлди.

Ўз майдонида "Навбаҳор"ни қабул қилган "Трактор" йирик ғалабага эришди – 3:0. Гол-ларни "тракторчи"лардан Нўъмон Ҳасанов ва Карлен Абрамов (2 та) рақиб дарвозасига киритдилар.

Кеча ўтказилган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Андижон" – "Насаф" 1:1, "Нефтчи" – "Қурувчи" 0:2, "Вобкент" – "Тўпаланг" 2:2, "Локомотив" – "Пахтакор" 0:1, "Металлург" – "Бухоро" 2:0.

* * *

Шунингдек, 1-лига жамоалари ҳам 20-тур учрашувларини ўтказишди. "Ғаллакор" – "ОТМК" 2:1, "Каттақўрғон-Д" – "О.Акбаров" 1:2, "Локомотив БФК" – "Зарафшон" 3:1, "Хоразм" – "NBU-Осиё" 2:1, "Шўрчи-Лочин" – "Сўғдиёна" 1:2, "Машъал-2" – "Оқтепа" 3:0, "Косонсой" – "Цементчи" 0:4, "Шаҳрихон" – "ЎзДонгЖу" 0:3.

"МЮ" – Суперкубок соҳиби

Англия чемпиони "Манчестер Юнайтед" Суперкубок учун ўтказилган баҳсда Лондоннинг "Челси" жамоаси устидан ғалаба қозониб, навбатдаги соврин эгасига айланди.

Ўйиннинг асосий вақтида 1:1 ҳисоби қайд этилди. Иккала гол ҳам дарвозаларга биринчи бўлимда киритилди. 35-дақиқада Криштиану Ро-

Бокс

Жанг ҳозирча ўтказилмайди

Хабарингиз бор, шу йилнинг 13 октябрь куни профессионал боксчинг Бутунжаҳон бокс ассоциацияси (WBA) йўналиши суперғоғир вазн бўйича чемпиони, ҳамюртимиз Руслан Чағаев WBO камари соҳиби Султон Ибрагимовга қарши рингга кўтарилиши керак эди.

Бироқ, қизиқарли ўтиши кутилган бу учрашув яқинда бекор қилинди. Германияда ўтказилган тиббий текширишлар чоғида Русланнинг даволаниши лозимлиги аниқланган. Бу ҳақда юртдошимизнинг менежери ОАВ ходимларига маълум қилган.

Султон Ибрагимовга бу кутилмаган хабардан сўнг дарҳол рақиб топилди. 13 октябрь куни машҳур Эвандер Холифильд WBO камарига даъвогарлик қилади.

Формула-1

Венгрия трассаларида "Формула-1" пойгаларининг 11-босқичи якунланди. Мазкур босқичда "McLaren" жамоаси вакили, англиялик Льюис Гамильтон ҳаммадан чаққон ҳаракат қилиб, маррага биринчи бўлиб етиб келди. Ундан кейинги икки поғона Кими Райкконен ва Ник Хайдфельдга насиб этди.

Гамильтон ҳамон етакчи

Пойга давомида Кими ҳарчанд ҳаракат қилмасин, рақиби Гамильтонга етарлича ташвиш туғдиролмади. Аксинча, икки соат давом этган беллашувда "McLaren" етакчиси бирор марта ҳам хатога йўл қўймади.

Шундай қилиб, бу йилги жаҳон чемпионатининг уч босқичида ғалаба қозонган Льюис Гамильтон 80 очко жамғариб, чемпионликка яна бир қадам ташлади. Унинг асосий рақиби, ўтган йилги чемпион Фернандо Алонсо бу гал тўртинчи ўрин билан қифояланди. Натижада, у мусобақа пешқадамидан етти очко кам жамғариб, умумий рўйхатнинг иккинчи ўрнидан жой эгаллаган.

Суннатилла ИСЛОМОВ

Биласизми?

Сичқон бадбахтнинг ҳомиладорлик даври атиги 20 кун, олмахонники 35 кун. Ҳай, улар миттигина жонзотлар-ку, сўлоқмондай кенгурунинг 39 кундаёқ туғиб беришига не дейсиз? Бодринг-дайгина келадиган ҳалиги зурриёт ҳомиладорлик муддатининг давомини онаизорининг сумкачасида ўтказар эмиш.

Кит боласи ўн метр

Бўғоз бўри 62-64 кунда болаласа, бу муддат арслонда 103-110, қўй-эчкида 145-157, йўлбарсда 154, қора айиқда 210 кун давом этади. Бу фаслга, ҳомиланинг жинсига, эгиз ё яккалигига ҳам боғлиқ. Чунончи, ёзги ҳомиладорлик қисқароқ бўлади, дейди фан. Бузоқ сигир қорнида 270-300 кун "яшаса", отнинг ҳомиладорлиги 320-355, эшакда 348-377, зебрада 361-372 кун давом этади. Ҳамма "ҳузур" филнинг боласида экан: "оғироёқ" фил салкам икки йилни – камида 660 кунни ўтказади, ана ундан кейингина "доя" лозим. Ҳомиласини йил тўлганда ҳам ёруғ дунёга кўрсатмайдиган жонзот биттагина фил эмас, 446 кунгача туғмай юраверадиган жирафа ва салкам 400 кунни ўтказибгина бўталоқ ҳадя этувчи туяни ҳам айтиш зарур.

Яна ажабтовур сут эмизувчи бор, фақат у океанда яшайдики, номи кит эканини айтмасак ҳам аён бўлгандир. Кит икки йилда битта туғиб, ҳомиладорлик муддати атиги бир йилгина давом этса-да, боласи шундай дароз бўладики... Дейлик, китнинг бир тури – кашалотнинг узунлиги 30 метр (китлар 1,2 метрдан 33 метргача бўлади), у "таомил"га кўра, ўз узунлигининг ярмича, камида учдан бирича узунликда туғиши керак. Бинобарин, янги туғилган китнинг узунлиги оз деганда 10 метр келади-да...



Р.УММАТОВ тайёрлади.

Автотранспорт – кредит ва лизингга!

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ўктам БАРНОЕВ, Ағитай АДИЛОВ, Ўткир РАҲМАТ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Фахриддин КАЛОНОВ (Масъул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона - 136-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04. Факс - 133-44-43, 133-09-93.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-54-20-518; Жиззах – 8-372-22-606-34; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-765-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Ⓣ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-617, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 22.30 Адади - 13752

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 3456

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru